

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИ-УСТИВОР ВАЗИФА

**Ишонкулов Ф.М.**

Ўзбекистон «Ветеран» жангчи-фаҳрий ва ногиронлар  
бирлашмаси Бухоро вилояти бўлими бошлиги

**Рузиев А.Э.**

БухДТИ, доцент. Бухоро вилояти «Ветеран» жангчи-фаҳрий  
ва ногиронлар бирлашмаси аъзоси

### АННОТАЦИЯ

Мақолада ёшларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, етук инсонлар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, илфор-инновацион шарт-шароитларни яратиб бериш, ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, ҳукуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қанча кучайтирилса, унинг самараси ҳам шунча юқори бўлиши тўғрисида сўз боради.

### АННОТАЦИЯ

В статье говорится о том, что современные, передовые и инновационные условия для получения молодыми людьми образования, приобретения профессии, превращения в зрелых людей, всемерной поддержки молодого поколения, воспитания их духовно зрелыми, физически здоровый, патриотичный и самоотверженный, законный и Говорят, что чем больше внимания уделяется защите своих интересов, тем эффективнее она будет.

Ўзбекистон «Ветеран» жангчи-фаҳрий ва ногиронлар бирлашмаси Бухоро вилояти бўлими томонидан жорий йилнинг май ойида «Уюшмаган ёшларда маънавий ва мафкуравий иммунитетни кучайтириш, уларни жамиятдаги мослашувига қўмаклашишда жангчи-фаҳрийларнинг ўрни» номли лойихасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида 2023 йил 22 август куни Ёшлар агентлиги ва «Адолат» СДП вакиллари билан ҳамкорликда Олот туманида уюшмаган ёшлар билан учрашув, сухбат ва шахмат спорт тури мусобақаси ташкил этилди.



Ўзбекистон «Ветеран» жангчи-фаҳрий ва ногиронлар бирлашмаси Бухоро вилояти бўлими бошлиғи Ишонқулов Ферузжон Мардонович кириш сўзи билан тадбирни очиб берди ва қуйидагиларни ёшларга уқтириди:

**Ёшларда, айниқса уюшмаган, тарбияси оғир бўлган ёшларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши маънавий ҳамда мафкуравий иммуностетни кучайтириш, уларни**

**жамиятдаги мослашувига қўмаклашиш,** яъни тарбия масаласига ўз вақтида жиддий эътибор қаратмасак, эртага кеч бўлиши, тузатиб бўлмас даражадаги оқибатларга олиб келиши мумкин. Зоро, тарбия борасида таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот–ё ҳалокат, ё саодат–ё фалокат масаласидир” деган сўзларини асло унутмаслигимиз лозим.

Ҳозирги кунда аксарият ёшлар вақтини бекорга сарфлаб, кунларини ижтимоий тармоқларда ўтказмоқда. Энг ачинарлиси, ёшлар ўлимининг учдан бир қисмини ўз жонига қасд қилувчилар ташкил этмоқда. Таҳликалар гирдобидаги бугунги дунёда азият чекаётган ёшларнинг ўз жонига қасд қилишига асосий сабаб сифатида уларнинг кундалик муаммолари эмас, бевосита руҳий истироблари сабаб бўлмоқда.

Оилалардаги носоғлом муҳит, яъни ота-она ўртасидаги тортишув ва жанжаллар ҳам ўсмир ёшидагиларнинг руҳиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда ва айни шундай ҳолат ҳам уларнинг ўз жонига қасд қилишига олиб келмоқда. Бугун кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий куч эмас, интеллектуал салоҳият, замонавий технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ёшлар – эртанги кун давомчилари. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ёш инсон таъсири остида бўлган бутун атрофдаги ҳақиқат конструктив эмас, балки ҳалокатли бўлиб, у бутун муаммолар ва қийинчиликларнинг пайдо бўлишига олиб келади.



**Жангчи-фаҳрий Рўзиев А.Э.** ўз сўзида бола оилада дунёга келади. Катта ҳаётга, атрофдаги инсонларга ва жамиятга бўлган дастлабки муносабати шу муҳитда шакланади. Илк тарбиянинг илдизи айнан оилада томир отади. Юртимиз эгаларининг баркамол, етуқ бўлиб вояга етишида оила, маҳалла, мактаб, коллеж, умумий қилиб айтадиган бўлсак, барчамиз бирдек масъулмиз. Ўз ўрнида фарзандига намуна бўлиб келган ота-онанинг фарзанди ҳам етуқ инсон бўлиб шаклланиши шубҳасиз.

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ёшлар тарбияси ҳақида Имом Газзолий шундай дейди: «Бола – ота-она қўлидаги омонат. Унинг қалби турли нақш ва расмлардан холи. Қандай нақш солинса, қабул қиласи, нимага мойил

қилинса, мойил бўлаверади. Агар яхшиликка ундалса ва ўргатилса, саодатли бўлади. Ота-онаси ҳамда одоб, таълим-тарбия берган устозлар унинг савобига шерик бўлди. Агар ёмонликка ундалса, ҳалок бўлади».

Буюк ватандошимиз шайхурраис Абу Али ибн Сино ёш авлод тарбиясининг ибтидоси қандай ва нималар билан бўлиши ҳақида қўйидагиларни айтган эди: «Ёш бола бошланғич таълим ва тилга доир қоидаларни ёд олганидан кейин у машғул бўлиши мумкин бўлган касб-хунар ва санъатга мойиллигига қараб, уни шунга йўллаймиз. Агар у котибликни хоҳласа, тил, хат ёзиш, нутқ сўзлаш ва одамлар билан муомала қилиш кабиларга далолат қиласиз. Албатта, бу ўринда, боланинг майли аҳамиятга эга».

Бундан роппа-роса бир аср олдин маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний тарбия ҳақида бундай деган: «Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур? деган савол келади. Бу саволга жавобан: биринчи – уй тарбиясидир. Бу Оналарнинг вазифаси ҳисобланади. Иккинчи – мактаб ва мадраса тарбиясидир. Бу Оталар, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифаси ҳисобланади.

Ёшлар тарбиясини – ҳаёт-мамот масаласи, деб таърифлаган мутафаккир нақадар ҳақ эканини барчамиз яхши биламиз. Чунки тарбияси мўрт ёшлардан

жамият, маҳалла ёки оила учун ҳеч қандай наф йўқ. Ёшларнинг ҳаётда адашиши, тузатиб бўлмас хатолари тарбияда йўл қўйилган хато ёки бефарқликнинг аччиқ инъикосидир.

Бугун мустақил Ўзбекистонимизда ёшлар тарбияси ва келажаги учун улкан ишлар амалга оширилмоқда, умумий ўрта таълим ва унинг узвий давоми бўлган касб-хунар ҳамда олий таълим сифатини оширишга, ўғил-қизларимизнинг малакали кадр бўлиб етишишига жиддий эътибор қаратилмоқда ва ёшлар тарбияси, давлат сиёсати даражасига қўтарилиган.

Гап ёшлар тарбияси ҳақида кетар экан, шундай савол туғилади: “Биз ёшларга ўрнак бўла оляпмизми?”. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирда яратилган имкониятлардан фақат ёшлар эмас, балки айрим ота-оналар ҳам тўғри фойдаланишмаяпти. Ўз фарзандини назорат қилмайдиган, қаерда, ким билан юргани, нима билан машғул эканлигини суриштирмайдиган ота-оналар ҳам бор. Фарзанди иқболи учун аввало, ота-онанинг ўзи, ибрат бўлиши керак эмасми?!

Бола тарбияси хусусида рус адиби Лев Толстойнинг бундай ҳикматли сўзи бор: “Болаларни тарбиялаш муваффақиятли бўлмоғи учун тарбия берувчи кишилар ўзларини тўхтовсиз тарбия қилишлари даркор”.

Бугун фарзандини телефону компьютердан кўз узолмай, муккасидан кетганини нолиб гапираётганлар, ўзини бош айбдор сифатида кўриб, айни боладан эмас, ўзидан қидирганида, бундайин муаммолар ўз ечимини топиб бораверарди.

Кўчадан бери келмай, бирор ишнинг, касбнинг бошини тутмаган, ўз ҳаёт йўлини ёруғ қилиш, келажагини мустаҳкамлаш ўрнига бефойда ишлар билан вақтини совураётган ёшларнинг учраётгани ачинарлидир. Умрининг айни гуллаган чоғида ҳаёт пиллапоясидан юқорилаш ўрнига, аксинча пастга қадам шўнгиётганини тушунишмаяптими, ёки буни уқтириши керак бўлган ота-она фарзанди иқболига шунчалик бефарқми? Бугун кичик ва арзимас бўлиб кўринган муаммо эртага жамият учун катта хавф туғдирмайди, деб ким айта олади? Бу хусусда эса болага тарбияни нафақат ўқитувчи-мураббий, балки ота-она ҳам бериши, касб-хунар, билим олиш орқали ҳаётда муносиб ўрнини топиши лозимлигини уқтириб бориши шарт деб ўйлайман.

Келажагимиз ворислари озод ва обод юртимизнинг эртасини ҳал қилувчи, юксалтирувчи асосий куч бўлиб майдонга кириб келишмоқда. Имкониятларнинг очиқ эшигидан кириб, улардан унумли ва оқилона фойдаланиб, юрт корига яраш, бугун асосий вазифага айланмоғи лозим. Бунинг учун эса фарзандларимизнинг таълим-тарбия олишида хато ва сусткашликка йўл қўймаслик зарур. Айнан ёшлар тарбияси биз катталар учун маъсулият, зimmамиздаги кечикириб бўлмайдиган муҳим вазифадир.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

1. Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.. /— Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. — 488.6.
2. Абу Али ибн Сино. Ал–Хикма ал–машрикийа//Абу али ибн Сино. Избранное (в 2–х томах). Душанбе, Ашгабат. 2003. – С.152– 153.
3. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи 1993. – Б.108– 109
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т.: Халқ мероси нашриёти. 1993. – Б.52– 53.